

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих ва маданий мерос факультети

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси**

Н.О.Жўраева

ЭТНОМАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ МУШТАРАКЛИГИ

(услубий қўлланма)

“ДУРДОНА” НАШРИЁТИ

БУХОРО-2018

84(5Ў)7

Ж 78

Жўраева Н.О.

Этномаданият ва миллий ғоя муштараклиги [Матн]: услубий қўлланма / Н.О.Жўраева. - Бухоро: Дурдона нашриёти, 2018. – 64 б.

КВК 84(5Ў)7

Мазкур услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳамда миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабалари учун мўлжалланган

ISBN 978-9943-5389-9-3

Масъул муҳаррир:

С.С.Раупов

Тақризчилар:

Г. Юнусова- БухМТИ, ф.ф.н., доц.

Р.Э.Қиличев- БухДУ, т.ф.н., доц.

Ушбу услубий қўлланма Бухоро давлат университети ўқув-методик кенгашининг 2018 йил 15 сентябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомаси қарорига биноан чоп этишга тавсия этилган.

ЭТНОМАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ МУШТАРАКЛИГИ

1. Миллий ғояда маънавий қадриятларга эга бўлган этнос борлиғи
моҳиятининг ифодаланиши. Социализм даври халқлари онгида миллий ғояга муносабат
2. Миллатлараро муносабатларда майда миллат ва элатлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг аҳамияти.
3. Департация қилинган халқлар онгида этномаданиятга муносабат. Этнос миллийлигининг умуминсонийлик билан мутаносиблиги.
4. Миллатлараро муносабатларда барқарорлик тараққиёт омили. Этномаданий жараёнларда толерантликнинг ифодаси.
5. Маданиятлараро мулоқот минтақавий конфликтларни ечиш омили. Этноэтикетда ахлоқий тасаввурларнинг ифодаланиши

1. МИЛЛИЙ ҒОЯДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ЭТНОС БОРЛИҒИ МОҲИАТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ. СОЦИАЛИЗМ ДАВРИ ХАЛҚЛАРИ ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯГА МУНОСАБАТ

Илмий адабиётларда “этномаданият” тушунчасини “маданият” (лотинча султура-ерни қайтаишлаш, тарбия, маориф, ривожланиш) категорияси орқали талқин этиш шаклланиган. Тўғри баъзи адабиётларда мазкур тушунчанинг этимологик мазмунига бошқача ёндашишлар ҳам мавжуд. Маданиятнинг субъекти инсон, гуруҳ, жамият, миллат, халқ, пировард мақсади эса мазкур субъектларнинг камолоти. Шунинг учун ҳам фалсафий-адабиётларда маданиятга халқнинг, миллатнинг, жамоанинг, ногенетик хотираси деб қараш мавжуд. Яъни, маданият инсон, халқ, миллат, жамият томонидан яратилган табиий борлиқдан фарқ қилувчи сунъий олам – артефакт; ногенетик хотирадир бу этномаданиятга ҳам таалукли фандир. Бу этномаданиятга ҳам таалукли таърифдир. Этномаданият ижтимоий тарихий воқеъликдир. Артефакт халқ, миллат томонидан яратилган сунъий олам. Артефактларни ўрганувчи илм соҳаси, назария. Ушбу икки ёндашув турли фаолият соҳаларини ифода этади ва улар турлича шаклланиган.

Масалан, этномаданият артефакт сифатида энг қадимги даврларга инсоннинг ён-атрофни табиатни ўзлаштиришга киришган даврларига бориб тақалади. Этномаданият назарий илму фан соҳаси сифатида 19 асрда пайдо бўлди. Аммо, этномаданият назарияси фани артефактларнинг генезисидан ўзига тадқиқот объектларини қидиради. Бу табиий ҳолдир, чунки ҳар бир этномаданий бойлик негизида халқнинг, миллатнинг узоқ ижтимоий–тарихий жараёнларга бориб тақалувчи тажрибаси мавжуддир.

Ранг-баранг мураккаб ҳодисаларни тадқиқ қилиш уларнинг гуруҳлаштиришни- классификациялашни талаб этади. Этномаданиятнинг даврлар функцияси хусусиятлари концептуал ғоялар нуктаи назаридан классификация қилиш мумкин, бизнинг фикримизча, этномаданиятнинг этнослар, миллатлар ҳаётида муҳим рол ўйнаган, уларнинг фалсафий-бадний, эстетик, ахлоқий жиҳатларга катта таъсир кўрсатган ижтимоий- тарихий ва маданий–ахлоқий парадигмалардан келиб чиқиб классификациялаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур концепцияни қуйидаги йўналишларда ифодалаш мумкин.

1. Конфуцийлик-даоизм
2. Ҳинд-буддавийлик
3. Исовийлик (Ғарбона)
4. Ислом(шарқона)
5. Глобаллашув(интегратиф)

Этномаданият атамаси икки иборадан ташкил топган бўлиб: этно ва маданият сўзлари қўшилмасидир. «Этнос» сўзи илк бор қадимги грек тилидаги манбаларда учрайди.¹ *Этно*– юнон сўзи- элат, халқ демакдир ва шу билан бирга, маълум бир элат ёки халққа бўлган ишора. Бу ибора бирор халқнинг келиб чиқиши (этногенез)ни ифодалайди. Бундай тарзда биз ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг этногенези (уруғчилик, насл)ни тушунишимиз керак. Шу билан бир вақтда *этно* ибораси кўпчилик илмий-назарий манбаларда: *Этнография*– халқларнинг келиб чиқиши, турмуши, моддий ва маънавий маданиятини ўрганадиган фан сифатида бўлиб бирор халқнинг турмуши,

¹ А.Аширов Этнология.Т.2014.-6.16

маданияти ва урф-одатларига хос бўлган хусусиятларини ҳам кўрсатади. *Этноним* тушунчаси ҳам мавжуд, бу халқ номи ёки халқ номини ифодаловчи атамадир. Бу сўзни янада мукаммаллаштириш мақсадида *Этнонимка* ибораси ҳам ишлатилиб лексикологиянинг халқ, қабила ҳамда уруғчилик номларини ўрганишга қаратилган бўлимига айтилади. *Этнограф* иборасини ҳам биз кундалик ўқув жараёнида қўллаймиз ва бу иборада биз этнография фани бўйича фаолият кўрсатадиган мутахассисни тушунамиз. Эътиборингизни *этнография* ва *фольклор* фанига қаратиб у:

1. Халқларнинг келиб чиқиши, турмуши, моддий ва маънавий маданиятини;

2. Оғзаки, ёзма ҳамда мусикий ижодини ўрганадиган фан эканлигини тушунамиз. Шундай қилиб, биз юқоридаги таърифларга қаратилган барча илмий- тарихий асосларга таянган ҳолда *Этномаданият* фани асосларини қуйидагича изоҳлаймиз: *Этномаданият* бирор халқнинг келиб чиқиши (бу борада ўзбек халқи), унинг маданияти, турмуш тарзи, маънавий-маърифий хусусиятларини тарихий **жараён (давр)ларда раванқ топиб ҳозирги кунимизгача ривожланиб келаётган маънавий ҳамда маданий меросини ўрганадиган фандир.**¹

Маданият ибораси арабча *Мадина* (шаҳар, кент) сўзидан келиб чиққан экан.² Шаҳар маъносида келган маданият сўзининг талқини кишилар ҳаётини иккитурдаги кўриниши, яъни *кўчманчи-дашту-сахроларда* яшовчи халқлар ҳамда *шаҳарда яшаб, шаҳарга хос турмуш тарзида* яшовчи халқларга нисбатан ишлатилиб келинган. Маданият тушунчаси *кенг маънони англатиб* жамият ва инсон тарихий тарққиётининг муайян бир даражаси, кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек улар яратган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. Маданият тушунчаси муайян тарихий даврлар, ижтимоий-иқтисодий формациялар, масалан, *антик маданият, социалистик маданият*, шунингдек инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари, масалан *меҳнат маданияти, диний маданият, санъат маданияти, турмуш*

¹СобироваМархабоЭтномаданият (маърузалар матни)Т., 2015йил. 9-бет.

²Ватан туйғуси. Тошкент, "Ўзбекистон" 1996 й. 114-115б.